



# MILLIY TIKLANISH

25 (294) ● 2014 йил 25 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Баркамол авлод тарбиясида миллий халқ ўйинлари муҳим ўрин тутди. Ўйин болалар учун сеvimли машғулот бўлибгина қолмай, балки жисмоний ва ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида беқиёс аҳамият касб этади

**3** ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Анъанавий тарзда амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳа нафақат миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш, балки касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда

**4** ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ



Ёз жазирамаси борасидаги бундан 140 йил аввалги рекорд яна қайтарилиши мумкинлиги ҳақидаги башоратлар ўз тасдиғини топаётир. Бу, албатта, қурғоқчилик, ёнгинлар, довуллари келтириб чиқариши мумкин

**7** ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Минтақавий семинар

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий Кенгашларида "Сайлов: тарғибот-ташвиқот ва технологиялар" мавзусида минтақавий ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Семинарларда партия ҳудудий Кенгашлари фаолиятини янги bosқичга кўтариш, тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялар асосида ташкил этиш, сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш жараёнида сайлов технологияларидан унумли фойдаланиш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини кучайтириш ва улар олдидаги масалалар қизғин муҳокама этилмоқда.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 24 июнь

## Маҳаллий вакиллик органларида

# Партия гуруҳлари фаолияти самарадорлиги

худудлар ривожидида муҳим омил

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси билан ҳамкорликда "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишининг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, вилоят Маънавият тарғибот маркази вакиллари иштирок этди.

4-бет

## Партиямиз учун синов даври

бўлган сайловларга тайёргарлик кўришга қаратилган ўқув-семинарлар давом этмоқда

Маълумки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатда фаолият кўрсатётган бошқа сиёсий партиялар билан ўз муносабатларини ғоялар кураши, амалий мулоқотлар ва соғлом рақобат принципи асосида олиб бориш ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринини эгаллаш орқали ўз тарафдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга ошириш учун, энг аввало, партия сафида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, маърифий билимларини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадни кўзлаб ташкил этилаётган ўқувларнинг навбатдагиси Навоийда партия Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоят Кенгашлари иштирокида ташкил этилди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқиб, изчиллик билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг роли, ташаббускорлиги, таъсири ҳамда масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Нотик ўз сўзида жорий йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга пухта ҳозирлик кўриш ҳамда бу жараёнда партиянинг муносиб иштирокини таъминлашга аҳамият қаратди.

2-бет

## 2014 йил — Соғлом бола йили

# "Ёшлар соғлом турмуш тарафдори"

мавзусида тадбир ташкил этилди

Тадбир ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, "Истиқболли авлод" вилоят маърифат-тарғибот маркази ҳамкорлигида жорий "Соғлом бола йили" муносабати билан ташкил этилди.

Тадбирни ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳром Мамажонов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ватанга садоқат, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғуси билан улғаяётган, жисмонан соғлом, маънан етук ўғил-қизлар келажакимизнинг муносиб давомчиларидир. Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар фарзандларимизни янада олға интилишга ундамоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёшларнинг иштирокини янада кенгайтириш, уларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади.

2-бет

## Партия лойиҳаси — амалда

Истиқлол шарофати билан юртимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, халқимизнинг асрий анъана ва орзу-умидларини рўйбега чиқариш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, отабоболаримиз, момоларимиз тафаккури, турмуш тарзининг ҳосиласи бўлган ноёб хунармандчилик намуналарини асраб-авайлашга, давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# Хунарманд ва оилавий тадбиркорлар

ЎзМТДП томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий хунармандчиликнинг барча турларини, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, партия

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасини  
www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!

# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# Партиямиз учун синов даври

бўлган сайловларга тайёргарлик кўришга қаратилган ўқув-семинарлар давом этмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Барча соҳаларда бўлгани каби сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайлов эркинлигини таъминлашга қаратилган изчил саясий-ҳаракатлар олиб боришда, - деди партия раҳбари ўринбосари. — Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, сайловлар партиямиз учун синов, фуқаролар учун танлов жараёни ҳисобланар экан, бу жараёнга ЎзМТДП пухта тайёргарлик кўриши, сайловолди кампанияси даврида сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш каби имкониятларни қўлдан бой бермасликка интилиши лозим. Бу борада партия туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари ҳамда кўйи бўғинлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтириш, партия сайловолди платформасини ишлаб чиқиш ва ўтган сайлов натижаларини таҳлил қилиш борасида муайян саясий-ҳаракатлар олиб боришда бу эса, партиямизнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлаши шубҳасиз, - деди Ж.Сафоев.

Семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Анара Бобомуродова давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилиб, айни пайтда бу ҳуқуқий асосларнинг кучга кираёт-

ганлиги сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлаб, Олий Мажлис ҳар икки палатасининг ваколатлари ва назорат функциялари, шунингдек, жамоатчилик ва парламент назоратининг яхлит тизимини шакллантириш, сайлов жараёнларини демократлаштиришда муҳим омил бўлади.

Ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлим бошлиқлари Дилбар Рашидова ҳамда Ҳанифа Зокирова партия гоёсини тарғиб қилиш, унда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайловларда партия қузатувчиси, ваколатли ҳамда ишончли вакилларнинг вазибалари борасида маъруза қилдилар.

Маърузачилар томонидан таъкидланганидек, партиялар учун муҳим синов даврида электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ишонч ва эътиборини қозониш учун партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, партия сафини фаол ва ташаббускор фуқаролар билан кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўрини эгаллашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув-семинар доирасида сайловларга тайёргарлик кўришида партия ташкилотлари аҳамият қаратиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида атрофлича фикр юритилди. Жумладан, ишончли вакил ва қузатувчилар ишини ташкил этиш тартиби, бу жараёнда қўлланиладиган сиёсий технологиялар, партиялараро рақобат шароитида номзодларнинг сайловолди дастурини тайёрлаш, сайлов штаблари фаолиятини режалаштириш каби долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбир якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

## Азимжон ЁРҚУЛОВ,

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари:

— Семинарда ЎзМТДП гоёси, дастурий мақсад-вазифаларни амалга оширишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, партиявий тадбирларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш, шунингдек, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда тарғибот ишларида илғор тажрибалар, умумэтироф этилган сиёсий технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан умумий фойдаланишга аҳамият қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Муҳими, вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўришдаги ташкилий ишларни маслаҳатлашиб олиш имкониятига эга бўлди. Жумладан, номзодларнинг сайловолди дастурини тайёрлаш, сайловолди тарғибот ишларини самарали ташкил этиш юзасидан тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик.

## Гулчехра ШАРИПОВА,

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Бугун мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партиялараро рақобат кучайиб бормоқда. Мазкур жараёнда, албатта, ҳар бир партия ўз мафураси ва гоёсини янгича қарашлар билан бойитиш, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, шу орқали жамият ҳаётида мустақкам ўрни эгаллашга интилиши табиий. Шу нуқтаи назардан бизнинг партиямиз ҳам ўз фаолиятини янада такомиллаштириб, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга, дастурий мақсад-вазифаларини изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Мазкур минтақавий ўқув-семинар фаолиятимиздаги камчиликларни бартараф этиш, олдимизда турган сайлов жараёнларига қизгин тайёргарлик кўришимизда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни янада кучайтириш, жамоатчилик билан алоқаларни мустақкамлаш борасида олган билим ва кўникмаларимиз фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

## Ҳабиба МАХКАМОВА,

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:

— Мазкур семинарнинг минтақавий тарзда ташкил этилиши, ўз навбатида, "Аёллар қаноти" етакчилари фаолияти учун ҳам айни муддао бўлди. Семинар давомида жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнини самарали ташкил этишнинг ўзига хос механизмлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Уйлашимизки, бу каби ўқув-семинарлар хали давом этади ва албатта, семинар доирасида орттирган билим ва тажрибаларимизни сайловлардаги муваффақиятимизни таъминлашга қаратамиз.

## Уралой ТУРДИЕВА,

Шоҳида ДАМАНОВА,

"Milliy tiklanish" мухбирлари

2014 йил — Соғлом бола йили

# “Ёшлар соғлом турмуш тарафдори”

мавзусида тадбир ташкил этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур тадбир ҳам ёш авлод сиёсий фаоллигини ошириш, тиббий билимларини бойитиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, сўзга чиққанлар бу каби тарғибот тадбирлари Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсати борасидаги устувор мақсад-вазифаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, глобал муаммолардан бирига айланган, кўплаб инсонлар саломатлигига, ёшлар ҳаётига жиддий хавф солаётган гиёҳвандлик, ОИВ ва ОИТСга қарши курашиш, уларда бу иллатларга қарши соғлом дунёқараш, маънавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилишини қайд этишди.

Тадбирда ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" аъзоларидан иборат кўнгилли ёшлар томонидан "тенгдош-тенгдош" лойиҳаси асосида турли чиқишлар қилинди. Унда партиянинг ёш фаоллари томонидан рағбий маънода 6 та бекат ташкил қилиниб, соҳа мутахассислари кўмагида ОИТС, ОИВ инфекцияси, одам савдоси, миграция, гиёҳвандлик каби соғлом ҳаётга раҳна солувчи иллатлар ҳақида иштирокчиларга батафсил

маълумот берилди. Шунингдек, ёшларнинг бу борадаги билимлари синовдан ўтказилиб, баҳолаб берилди. Юқори натижа қайд этган иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Мазкур тадбир ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир, - дейди ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Орифхўжа Мелиев. — Албатта, бу мақсад замирида партиямизнинг ёшларга оид дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш истаги ётади. Мазкур тадбирга мингдан зиёд вилоят ёшларнинг жалб этилгани қувонарли ҳолдир.

Жонли, очик мулоқот ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир хусусида партия фаоли Нозима Музаффаровани сўхбатга тортидик:

— Мен ЎзМТДП сафида эканлигимдан фахрланаман. Боиси, партия томонидан ташкил этилган кўплаб сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишлардаги тадбир ва ўқув-семинарларда мунтазам иштирок этиш орқали билимларим ҳамда жамоатчилик ишларида фаоллигим ошди. Бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида янги гоё ва ташаббуслар, ўзаро ҳамжихатлик, фикр ва тажриба алмашинуви юзага келди.

— Фикрингизга қўшиламан, -

дея партия шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Хуршид Азизов ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. — Партиямизнинг Жиззах вилоят Кенгашидаги аъзолари сони 11 мингдан зиёдни ташкил этса, уларнинг 7 минг нафардан ортиғи ёшлардан иборат. Фаолиятимиз давомида вилоят ёшларининг қизиқишлари, интилишлари ва муаммоларини инobatта олиб, аниқ йўналишдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқишга эътибор қаратялмиш. Фуқароларимиз қалбида халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини асраб-авайлаш, ўзликни англаш ҳиссини уйғотишга кўмаклашиш каби вазифалар партиямиз ёш аъзолари фаолиятининг бош мезонига айланган. Бу борада

турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тарғибот тадбири ҳам ЎзМТДПнинг ёшларга оид мақсад-вазифаларини амалга ошириш, аъзолари сафини ташаббускор, юрт тақдирига дахлдор ёшлар билан кенгайтиришига хизмат қилади.

Тадбир давомида ОИТСнинг заррарли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмнинг намойиш этилгани унинг таъсирчанлигини янада оширди.

Яқунда фаол иштирокчилар партия шаҳар Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Нигора МУХТОРОВА, ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизнинг шу кунгача эришган ютуқларини ёшларимиз иштирокисиз тасаввур этиш мушкул. Бугун юртимизда ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли ёшлар камол топмоқда. Ҳар бир жаб-ҳада уларнинг муваффақиятлари намойён бўлмоқда. Бундай иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ташаббусларини тўғри йўналтириш юртимиз истиқболига хизмат қилади. Келажак эгаларининг тиббий кўникма ва билимларини ошириш орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий билимларини бойитишга кўмаклашиш тарғибот-ташвиқот ишларимизнинг асосий мақсадиридир. Мазкур тадбир ҳам фарзандларимизнинг ушбу йўналишдаги билимлари ошишига хизмат қилиши баробарида, ёш авлод вакилларини юртимизда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш ҳамда эзгу мақсад йўлида қатъий ҳаракат қилишга ундаши шубҳасиз.

Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

## Тарғибот

# Тинчлик ва аҳиллик

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва гоёлари кўп асрилик буюк ва шонли тарихимизни ўрганиш, азаллий қадриятларимизни уятулаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодни уларга ҳурмат ва сadoқат руҳида камол топтириш билан уйғун.

Зотан, ЎзМТДП мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишини, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу гоё асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади.

Шу боис жойларда партия томонидан Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсини ўрганишга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши томонидан мазкур масалалар бағишлаб ўтказилган давра сўхбатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Дехқон Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Маърузачи Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг инсоният тинчлиги ва фаровонлиги, тараққиётдаги аҳамияти, Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётган муҳим сананинг халқимиз ҳаёти

ва авлодлар камолотида тутган ўрнига тўхталар экан, бугунги дорилоним кунлар қадрига етиш, тинчлик ва осийишталликни асрашга ҳисса қўшишга шу муқаддас Ватан фарзандиман, деган ҳар бир фуқаро бурчли эканлигини таъкидлади.

Хусусан, ЎзМТДП фракцияси аъзоси ҳамюртларимизнинг тинчлик ва осийишталликни асрашга қўшган ҳиссаси, озоод юрт ободлигига дахлдорлиги нималарда кўриниши ҳақида сўз юритиш асосида Президентимиз интервьюсидаги "Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан оғох ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзини асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ниҳоят қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусофиро осмон учун албатта курашимиз даркор", дея айтган фикрларига эътибор қаратди.

Шунингдек, давра сўхбати давомида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Т.Файзуллаев, партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси Н.Рўзимотова ҳамда қатор иштирокчилар сўз олдилар. Уларнинг чиқишларида Президентимиз таъкидлаганидек, оғир ва синовли даврни ирода ва сабот билан босиб ўтган халқимиз бугун жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суратлар билан ўсиб, барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритаётганлиги ҳаётини мисоллар билан тақдор-тақдор ифодаланди.

Тадбирда барча иштирокчилар ана шундай дунё билан бўйлашаётган озоод юрт оидларига муносиб бўлишга даъват этилди. Ёруғ келажакимиз, эзгу мақсадларимизга эришишда бутун халқимиз, шу азиз Ватан, унинг ободлиги, фаровон келажиги учун яшашни тенгсиз бахт деб билган юртдошларимиз қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳар бир аъзоси ҳам ташаббус қўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

Исроил ЮСУПОВ

## Тадбир

Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустақкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни нафақат оилада, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида фаол иштирокчи кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида улар давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш, юрт тараққиёти ҳамда халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

# Аёл маънавияти

оила зийнати

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Глобаллашув жараёнида оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири" мавзусидаги тадбирда шу хусусида сўз борди.

Тадбирда Олий Мажлис Қўнчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш борасида кўплаб саясий-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Таъкидлаш лозимки, боланинг соғлом туғилиши, юксак маънавиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб воға етиши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши кўп жиҳатдан аёлларнинг маънавий салоҳияти ҳамда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятини модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Эътироф этилганидек, аёлларни "оммавий маданият" никоби остида қандай келаятган хавф-хатарларнинг салбий таъсиридан муҳофаза этишда маҳаллада тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш муҳим саналади. Боиси, фарзандларимизни замонавий билим, касб-ҳунар, маданият ва спортга ошно этиш, уларни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топтиришда аёлларнинг ақлзаковати, маънавияти ҳамда жонқурлигига таянамиз.

— Бугун жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнининг авж олаётгани ва ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиётга эътабгани миллий қадрият, анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масаласига жиддий ёндашиш лозимлигини талаб қилмоқда, - деди тадбирда сўз олган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мунира Қориева. — Бугунги кунда "оммавий маданият" кўринишидаги маънавий таҳдидлар, асосан, интернет воситасида кириб келаятгани ҳеч кимга сир эмас. Интернетнинг оммалашуви, айниқса, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётгани ушбу масалаларда эътиборли бўлишни тақозо қилмоқда. Шу боис, хотин-қизлар ҳамда ёшлар иштирокида интернетдан тўғри фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш партия фаолиятидаги долзарб масалалардан саналади.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир якунида фаол иштирокчилар партия вилоят Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хумоюнхон АЗИМОВ, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси

## Фестиваль

# Миллий халқ ўйинлари

### қадриятлар кўзгуси

*Истиқлол шаърофати билан мамлакатимизда миллий қадрият ва анъаналаримиз, унутилаётган халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий ўйинлар қайта тикланмоқда. Zero, халқимизнинг қадриятларини, маънавий, маданий бойликларини асраб-авайлаш, бойитиш, келажак авлодларга бекамун кўс этказиш, асрлар мобайнида шакланган урф-одат, маросим, халқ ўйинларини қайта тиклашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор дастурий мақсадларидан саналади.*



Ёшларни миллий халқ ўйинларига қизиқтириш, спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларнинг истеъдодини намоён этишга шарт-шароит яратиш ҳамда ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилати мунтазам равишда "Миллий халқ ўйинлари фестивали" ўтказиб келинмоқда. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Нукус спорт коллежи ҳамкорлигида ўтказилган мазкур фестивал ана шундай эзгу мақсадларга қаратилди.

Фестиваль маҳаллий хунармандларнинг кўл меҳнати маҳсулларини кўргазмаси билан бошланди. Тадбирни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ботир Матмуратов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Баркамол авлод тарбиясида миллий халқ ўйинлари муҳим ўрин тутаетди. Уйин болалар учун сеvimли машғулот вақтини мазмунли ташкил этиш воситасига эмас, балки жисмоний ва ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида беқийс аҳамият касб этади. Миллий халқ ўйинларининг келиб чиқиш тарихига назар солидиган бўлсак, унинг илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Тарихий меросимиз саналган миллий халқ ўйинларига эътибор бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Партиямиз томонидан ташкил этилаётган мазкур фестиваль ҳам келажакимиз эгаларининг миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, халқ ўйинлари азалдан ажодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъозлангани. Аксарият ўйинларнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини тейлаштиришга хизмат қилган. Уйин-

ларда халқнинг турмуш тарзи, меҳнати, ютуқлари, орзу умидлари ўз аксини топтиган. Бизгача етиб келган миллий ўйинлар ҳақида олиму мутафаккирларимиз қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Хусусан, Махмуд Қошғарий ўзининг "Девону лугатит турк" асаридан халқ ўйинларининг бир юз эликка яқин турини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради. Бундан ташқари "Авесто" орқали бир қанча ўйинлар ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган. Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Амир Темурнинг "Темур тузуқлари", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларида ҳам миллий ўйинлар ҳақида кўплаб қайدلор келтирилган.

Фестиваль доирасида ёшлар ўзбек ва қорақалпоқ миллий халқ ўйинларининг "Қирқ тош", "Қашарман топ", "Арқан тартиси", "Ақ терекке қок терек", "Соқир теке бақ-бақ", "Манлай шертепек", "Буркит келди", "Айланба дурре", "Қоразлар уриси", "Аншиллар ҳам уйреклер", "Бес тас", "Зим-зим" ва "Ушинчиси артик" каби турлари бўйича ташкил этилган беллашувларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Яқинда голиблар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбахо совғалари билан тақдирландилар.

**Байрамбой МУННАЗАРОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:**

— Миллий ўйинларимиз ўзининг узоқ ўтмиши, бой тарихига эга маънавий бойлигимиз саналади. Мустанқиқлигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий қадриятларимиз, анъана-ю худумларимиз, шу жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун юртимизда спорт ва миллий

халқ ўйинларига соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омилли сифатида қаралмоқда. Шу билан бир қаторда халқ ўйинлари миллий спорт турларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Партия томонидан ўтказилаётган бундай мусобақалар миллий қадриятларимиз бардавомлигини сақлаш баробарида, ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида меҳр-оқибат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Гулсара БЕРДИМУРАТОВА, тадбир иштирокчиси:**

— Халқ ўйинлари биз ёшларни ҷақсон, эгичлик, топқир, тезкор, чидамли, қучли ва, энг муҳими, соғлом бўлиб вояга етишимизда беқийс ўрин тутаетди. Шу боис, истиқлол йилларида унутилаётган миллий ўйинларни қайта тиклаш, ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилати ўтказилаётган мазкур лойиҳа асрлар оша сақланиб келинаётган миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ёрқин намунаси бўлган халқ ўйинларига нисбатан ёшларимизнинг қизиқишини янада оширишда беқийс ўрин тутаетди.

Фестиваль доирасидаги яна бир тадбир Сурхондарё вилоятида партия вилоят ва Узун туман Кенгашлари ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Фестиваль аввалида вилоят "Болажон", "Ох-оҳ" фольклор этнографик гуруҳларининг чиқишлари барчага хуш қайғият улашди. Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раиси Сайдулла Абдураимов кириш сўзи билан очди.



— Ота-боболаримиз азал-азалдан фарзандларини юртга муҳаббат, умумбашарий ва инсоний қадриятларга садоқат руҳида вояга етказиш ва тарбиялашда анъанавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланишган. Миллийлигимизнинг ажралмас қисми бўлган ўйинларда халқимизнинг орзу-интилишлари, турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ютуқ ва муваффақиятлари ўз аксини топтиган. ЎзМТДП ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль доирасида ташкил этилган миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, бадиий чиқишлар саҳна кўринишлари партия дастурида белгиланган миллий қадриятлар тарғиботига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Фестиваль иштирокчилари "Қураш", "Тош кўтариш", "Елкада кураш", "Чиллак", "Арқон тортиш", "Уриб қочар", "Минди", "Оқ терами — кўк терак" каби миллий ўйин турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳақамлар иштирокчиларини баҳолашда уларнинг либосларидаги миллийликка ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Катта спорт байрамига айланган фестивалда 1-ўрин Узун тумани Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, 2-ўрин Агрорасноат касб-ҳунар коллежи, 3-ўрин эса халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими жамоасига nasib этди. Тадбир якунида голибларга партия вилоят ҳамда туман Кенгашларининг фахрий ёрлик, қимматбахо совғалари топширилди.

**Равно ХУДОЙҚУЛОВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:**

— Мазкур фестивал ҳар йили республикамизнинг турли худудларида ўзига шухуҳ ва кўтаринкилик билан ўтказиб келинмоқда. Боиси, ҳар бир вилоят ва худуднинг ўзига хос бўлган қадриятлари, урф-одатлари ҳамда халқ ўйинлари бор. Хусусан, Сурхон воҳасида азал-азалдан халқ сайилари, тўй ва байрамларда кўпқар, кураш каби миллий ўйинлар намойиш этилган. Карнай-сурнай садолари янграган хонадон борки, унда, албатта, миллий спорт турларининг бўйича мусобақалар уюштирилган. Воҳаимизда кураги ерга тегмаган маҳоратли полвонлар, чағдаст чавандозлар етишиб чиқишининг боиси ҳам шундан. Бугун тадбирда ёшларнинг халқ ўйинлари ҳамда миллий худумларимизга бўлган қизиқишини кўриб қувондим. Бундай тадбирларни ўтказиш ёшларнинг жисмоний ва маънавий қамолотида, миллий қадриятлар бардавомлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Мирзахмет БАКИМУРАТОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби, Шаҳзода ҒАФФОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

## Хроника

# Фарзандлар камоли —

# Ватан иқболи

ёшлар маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш — ЎзМТДП эътиборида

### ҚОРАҚАЛПОГИСТОН

ЎзМТДП Қонлиқўл туман Кенгаши томонидан "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари М.Қўлмуратов гиёҳвандлик ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётига тўсиқ бўлиши баробарида, йилит-қизларнинг саломатлиги ҳамда келажакга раҳна солаётганини таъкидлади. Бу каби зарарли иллатларга қарши курашиш ҳамда ёшларни уларнинг салбий оқибатларидан асраб-авайлашда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки жамоатчилик вакиллари ҳам бирдек масъул эканини таъкидлади.

Келажак эгаларини турли маънавий-ахлоқий таъхидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, миллат генофондини асраш, ўзбек халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан саналади. Мазкур йўналишдаги тарғибот ишларини янада жонлантириш, айнқиса, "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, ушбу мавзудаги тадбирларни мунтазам ўтказиш айна мақсадлар ижросида беқийс ўрин тутаетди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Ҳамза туман Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимаси ҳамкорлигида "Тинчлик ва осойишталик — мамлакатимиз тараққиёти қаролати" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришмоқда. Уларнинг негизини юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, тотулик ҳамда ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар ташкил этади. Бугун ахборот хуружлари авж олаётган бир даврда жаҳонда ва ён-атрофимизда қузатилаётган маънавий таъхид ҳамда ҳаттарларни тўғри баҳолаб, улардан тегшли сабоқ чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани, халқимиз тинч ва фаровон ҳаёт кеңираётгани олиб саодат. Шундай экан, бундай шухуҳли ва дорилмон ҳаётнинг қадрига етиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиши ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада партия туман Кенгаши қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли, айнқиса, ёшлар ўртасида тарғибот ишлари олиб бораётгани эътироф этилди.

### НАМАНГАН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мунтазам равишда аҳоли, айнқиса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бормоқда. Жумладан, партия Поп туман Кенгаши томонидан "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари" мавзусидаги давра суҳбати шундай бўлди.

Тадбирда эътироф этилганидек, партия томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Донлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг қафолатидир" мавзусидаги мақолалар танлови, "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар - ёшлар нигоҳида" сингари қуриқ-танловлар азалий қадриятлар бардавомлигини сақлаш, келажакимиз эгаларининг тарихимиз ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлашда айна муддао бўлмоқда.

### АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилоят ва шаҳар Кенгаши томонидан "Соғлом бола — соғлом ва аҳил оилада вояга етати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида жамиятимизнинг асосий бўгини бўлиши оила институтини мустаҳкамлаш ва ёш авлод қамолоти масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Zero, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, инсонийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айна оила муҳитида шаклланади. ЎзМТДП ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда партия сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавиятли, ахлоқли, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялаш, оила институтини ва унинг қадриятларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсадлар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

### СИРДАРЁ

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида келажакимиз эгаларига муносиб шарт-шароитлар яратиш бериш, уларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам, - деди ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан "Юксак маънавият ёшлар — Ватан келажаги" мавзусида ўтказилган тадбирда партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Ф.Қўшбоқов. — Бугун глобаллашув жараёнларида юзга келайотган маънавий таъхидларнинг ёшлар онига салбий таъсирининг олдини олиш, уларда мафруравий иммунитетини мустаҳкамлаш жамоатчилик вакилларида жиддий эътиборни талаб қилади. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб қилиш, ёш авлодини уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш партиямизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Вилоят Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёш авлод вакилларида миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, юрт келажакига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Давра суҳбати якунида бир гуруҳ ташаббускор ва фаол ёшлар партия сафиға қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

### ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Фориш туман Кенгаши ҳамда Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамкорлигида "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси ўтказилди.

— Ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш юртимиз келажакини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўйбега чиқаришнинг муҳим омилдир, - деди тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ф.Самадов. — Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, болалар спортини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Кенгашимиз ташаббуси билан ўтказилган мазкур спорт тадбири болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, келажак эгаларини спортга кенг жалб этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Қизиқарли баҳсларға бой тарзда ўтган мусобақа якунида голибларга партия туман Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

### БУХОРО

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Озод юртининг бахтли фарзандлари" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда юртимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ёшларға кўрсатилаётган гамхўрлик замирида юрт ободлиги, миллат келажаги ҳақида қайғуришдек юксак ғоя мужассам. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизда ҳам маънави, ҳам жисмонан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларға оид давлат сиёсатини амалга оширишға қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичға кўтариш, уларнинг изчиллигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор дед белгиланган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилангани эътироф этилди.

Тадбир якунида бир гуруҳ ёшларға партия вилоят Кенгаши томонидан спорт кийимлари ва анжомлар тақдим этилди.

**Шаҳзода ҒАФФОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Дастурий мақсадларға ҳамоҳанг

амалий саъй-ҳаракатлар партияға ишонч уйғотади

*ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини кенг орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларини амалга ошириш, энг муҳими, партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда партия кадрлар захирасини шакллантиришда қуйи бўгинларнинг ўрни беқийс.*

— ЎзМТДП ғояларини тарғиб қилиш орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан саналади, - дейди ЎзМТДП Денос туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Нодир Турдыев. — Ташкиллаш жоизки, бу жараёнда партиянинг таянч бўгини саналган бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга молик. Бугунги кунда туманимизда 1579 нафар партия аъзосини бирлаштирган 45 та қуйи бўгин фаолият юритмоқда. Бу борада, айнқиса, Денос туманидаги "Янги-обод" маҳалла фуқаролар йиғини қошида бир гуруҳ педагогларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг ЎзМТДП дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги фаолияти эътиборға лойик.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур қуйи бўгин томонидан партия туман Кенгаши ҳамда депутатлар билан ҳам-

корликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўрни", "Еш оилалар мустаҳкамлиги — обод турмуш фаровонлигининг негизидир", "Оммавий маданият ва миллий қадрият", "Конституциямиз — миллий давлатчилигимиз хуқуқий асосидир", "Мардлар кўриқлайди Ватани", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДПнинг ўрни", "Саломатлик — туман бойлик" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди. Бу каби тадбирлар, ўқув-семинарлар ёшларни миллий қадрият ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта-миз эгаларини турли маънавий таъхидлардан ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларға дахлдорлик руҳида қа-

мол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мазкур қуйи бўгин ўз фаолияти давомида кўплаб ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор хайрия ишларни ҳам амалга оширмоқда.

— Айна пайтда маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотимиз 75 нафар ЎзМТДП аъзосини бирлаштирган, - дейди қуйи бўгин етакчиси Раъно Саломова. — Ёшларнинг бую вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни миллий ҳунармандчиликка қизиқтириш ҳамда партия сайловолди Платформасида белгиланган "устоз-шогирд" анъанавий мурабийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантиришға кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, қуйи бўгин қошида Республика "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими ҳамкорлигида турли тўғараклар ташкил этдик. Унда чевар қизлар каштачилик, дўппидўзлик, чопон ва белбоғ тикиш, зардўзлик сирларини ўрганишяпти, миллийлик ва замонавийлик уйғунлаштирилган қўл меҳнати маҳсуллари билан туман, вилоят микросидаги кўргазмаларда иштирок этишмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур тўғараклар

фаолияти, ўз навбатида, ёшларни касб-хунарга йўналтиришға ҳамда азалий қадриятлар бардавомлигини сақлашға хизмат қилади.

Дарҳақиқат, сиёсий партия ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиш, электрорат манфаатларини таъминлашда бошланғич партия ташкилотлари кўмағига таянади. Боиси, улар электроратға яқин бўгин бўлиб, бевосита аҳоли орасида ҳаётнинг энг қайноқ жойларида фаолият юритади. Табиийлик, фуқароларнинг ўй-ташвиши, ютуқлари ва муаммоларидан яқши хабардор бўлади.

— Жорий "Соғлом бола йили" муносабати билан оналик ва болаликни хуқуқий муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашға кўмаклашиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида соҳанинг малакали мутахассислари иштирокида ана шу йўналишдаги тарғибот тадбирларини ўтказиб келаямиз, - дейди қуйи бўгин етакчиси. — Шунингдек, келгусида ёшлар бандлигини таъминлашға қаратилган "Ёшларни касб-хунарга ўргатиш" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда туман маҳаллаларида партиясининг "Миллий халқ ўйинлари" лойиҳаси асосида воҳага хос, унутилаётган халқ ўйинлари, фольклор санъатини тарғиб этиш ҳамда ёшлар иштирокида турли спорт мусобақалари ўтказиш мақсад қилганми.

**Нарғиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот котиби**

## Партия лойиҳаси — амалда



(ЎзА) оғасан сурат.

## Хунарманд ва оилавий тадбиркорлар

### ЎзМТДП томонидан қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" лойиҳаси бу борада муҳим кадамлардан бири бўлди. Мазкур лойиҳа доирасида жами 8 млрд. 500 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Дастлаб 2012 йилда амалга оширилган ушбу лойиҳа Хоразм, Андижон, Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида истиқомат қилувчи хунарманд ва оилавий тадбиркорларни қамраб олган бўлса, 2013 йилда Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, шунингдек, талаб ва мурожаатларга кўра, Андижон вилоятида амалий семинар ўтказилиб, электротизимиз вакилларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Жумладан, 2013 йилнинг апрелида мазкур партия лойиҳаси асосида ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши ҳамда вилоят "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда 24 та хунарманд ва оилавий тадбиркорга 117 млн. сўм миқдордаги имтиёзли банк кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган эди. Хўш, мазкур имтиёзли кредит маблағларини олган ҳудуддаги хунарманд ва оилавий тадбиркорлар ундан қай даражада фойдаланяпти? Ушбу имконият улар фаолиятини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшиди? Шу мақсадда имтиёзли кредит маблағларига эга бўлган хунарманд ва оилавий тадбиркорлардан баъзиларининг фикри билан кизикдик.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси лойиҳаси кўмагида 4,8 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга эришдик, - дейди хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги тури билан шуғулланувчи уста Ҳаким Раҳмонов. — Натижада, ўғилларим билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, замонавий дастхона сотиб олдик. Фаолиятимизни ривожлантиришда ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган амалий семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур семинарларнинг бирида тадбиркорликда муваффақи-

ятга эришишнинг муҳим омили аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш эканлиги айтилганди. Бу жиҳатни инобатга олиб, жамоатчилик фикрини ўргандик. Натижада халқимиз талабидан келиб чиқиб, жонхата, ошона ва ётоқхона жиззалари, эшик, деразалар, умуман ёғочдан ясаладиган барча эҳтиёжбон буюмларни миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда тайёрлаялмиш. Шу боис махсулотларимиз харидорлари янада кўпайиб бормоқда, - дейди сўбатдошимиз.

Таъкидлаш жоизки, аънавий тарзда амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳа нафақат миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, балки янги иш ўринлари яратилиши, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. — Партия лойиҳаси доирасида 3,950 млн. сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим, - дейди Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи ёш хунармандлардан бири Шахноза Рўзиева. — Мазкур маблағ эвазига тикув машиналари сотиб олиб, фаолиятимиз янада кенгайтирдим. Натижада 12 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Қолаверса, цехимизда маҳалламизнинг кўпгина қизлари хунар сирларини ўрганиб келмоқда. Фаолиятимиз, асосан, аёллар либослари ва пардалар тиклишга йўналтирилган. Келгусида миллий тўй либослари тикишни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

Бугун, айникса, ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилаётди. Жумладан, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида берилаётган имтиёзли кредитлар уларни ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйишга, тадбиркорликка ундамоқда.

— Фарзандларим Фотима ва Зухра тикувчиликка жуда кизикади, - дейди хунарманд тадбиркори Фотима. — Бунда ЎзМТДП ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳага катта ишонч боғлаганмиз. Чунки ўзим ҳам партия ташаббуси билан ташкил этилган лойиҳа асосида 4,5 млн. сўмлик имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлганман. Мазкур

маблағларни самарали йўналтириб, тикув машиналари сотиб олдим. Бунинг натижасида қўшимча равишда 6 нафар ёш иш билан таъминланди.

Кўриниб турибдики, ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси электротизимиз вакиллари бўлмиш хунармандлар ҳамда оилавий тадбиркорлар фаолиятини янада жонлантиришда, ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги амалий семинарлар натижасида яна кўплаб хунарманд ва оилавий тадбиркор ана шундай имтиёзли кредитлар олиш истиғини билдираётгани аҳолининг партияга ишончи тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боис бу эзгу тадбирлар вилоятнинг барча туманларида ўтказилиши режалаштирилган. Хозирги кунга қадар Гиждувон, Шофиркон, Вобкент, Бухоро, Ромитан ва Пешку туманларида амалга оширилган партия лойиҳаси эндиликда Олоат, Қорақўл, Жондор, Қоровулбозор, Когон туманларида ташкил этилади. Эътиборли жиҳати шуки, "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги партия лойиҳаси асосида ўтган йили Бухоро вилоятида жами 62 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркорга 312 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган. Ушбу маблағларнинг самарали сарфланиши натижасида 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бу эзгу амаллар замирида эса аҳоли, айникса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фойдали меҳнатга жалб этиш каби мақсадлар мужассам. Зеро, партия сайловолди Платформасида ҳам халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" аънавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда мазкур соҳани янада ривожлантиришга қўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Юқорида эътироф этилган хайрли ишлар, аънавалар бардавонлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар айна мақсадлар рўйбеда муҳим омилдир.

**Муслима РЎЗИЕВА,**  
ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши матбуот қотиби,  
Умида ЭРҒАШАЛИ ҚИЗИ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

## Маҳаллий вакиллик органларида

## Партия гуруҳлари фаолияти самарадорлиги

### худудлар ривожиди муҳим омил

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолиги ва ташаббускорлигини ошириш, партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, шунингдек, жорий йил бўлиб ўтадиган сайловларга тайёрлик жараёнларини янада кучайтириш, муносиб номзодларни танлаш ва тайёрлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Тадбирда маъруза қилган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Б.Исаев гуруҳ аъзоларининг фаолияти, депутатларнинг ўз ваколат ва вазифаларидан келиб чиқиб амалга ошираётган ишлари хусусида тўхтади. Таъкидланганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитиш ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатишнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Шу боис депутатларнинг бу борадаги фаолиятини жонлантириш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглашда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими раҳбари С.Қудратов маъруза қилди. Нотик халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатларини қай даражада амалга оширишдаги аҳамияти бирлашмаларининг партия маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги

эътибор қаратди. Эътироф этилганидек, депутатнинг партия маҳаллий Кенгаши ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши аҳоли ва электорат вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қизиқтираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 61 нафар депутат фаолиятини янги поғонага кўтариш, уларнинг фаолиги ва ташаббускорлигини янада ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, семинар-тренингда жорий йилги сайловларда ЎзМТДПнинг муносиб иштирокини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада номзодлар захирасини шакллантириш, ҳар томонлама муносиб номзодни танлаш ва сайлов жараёнларига тайёрлаш маҳаллий вакиллик органларида кўпчилик ўринини эгаллашнинг муҳим омили эканлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, халқ ишонган, аҳоли орасида ўз сўзини айта оладиган, зиммасидаги масъулиятни ҳис қиладиган ҳамда фаолиги билан ажмизда турувчи фуқароларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш, ўз навбатида, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда партиянинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, номзодлар партиянинг нуктаи назарини, илгари сўраётган гоя ва мақсадларини яхши билиши лозим. Шунингдек, номзодларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, қарашлари, ёндашувлари юксак даражада эканлигига, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси юқори эканлигига эътибор қаратиш ҳам муҳимдир.

Семинар-тренинг иштирокидаликчи гуруҳларга бўлиниб, "Жойларда қонунлар ва ҳукумат қарор-

лари ижроси устидан назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги" ва бошқа мавзуларда машғуллар олиб боришди.

Мазкур йўналишдаги ўқув-семинар Хоразм вилоятида ЎзМТДП вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия ҳудудий Кенгашлари ходимлари ҳамда қўйи бўғинлари фаоллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари, ўз навбатида, сиёсий партиялар ва улардан сайланган барча даражадаги депутатлар зиммасидаги масъулиятни оширмоқда. Уларнинг ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштироки, қонунлар қабул қилиш ва жойларда уларнинг ижросини таъминлашдаги роли кун сайин ортиб бормоқда. Депутатлар сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилар экан, ўз олдида қўйилган вазифаларни ҳал этишда ташаббускор ва изланувчан бўлиши даркор. Бу борада халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия дастури ва вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига ташаббус-масалалар билан чиқишмоқда. Улар асосида қарор

қабул қилиниб, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳудудлар ривожига ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, семинарда партия гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатишида уларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги масаласига ҳамда ўз сайлов округларидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Боиси, жойларда аҳолини ўйлантираётган масалаларни аниқлашда сайловчилар билан учрашув ва тадбирларнинг ўзи камлик қилади. Шаҳар ва қишлоқларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, айникса, ҳудуд шароити ва муҳитига хос иқтисодий соҳаларни аниқлаб, уларни ривожлантириш масалаларини илгари суришда бошланғич партия ташкилотларининг роли бежиз эмас. Уларнинг ҳар чоракда ўтказилаётган умумий йиғилишларида ҳудудлар равақига хизмат қилувчи кўплаб масалалар кўтарилганлиги ва улар партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан тегишлилигига вакиллик органларидаги депутатларимизга етказилганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Мухтасар айтганда, партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мазкур семинар-тренингларда маҳаллий вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг бугунги жараёнлардаги иштироки ҳамда фаолиятига яна бир бор назар ташланди. Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар депутатларимиз фаолиятида муҳим ўрин тутиб, уларнинг ўз зиммасидаги масъулиятини яна бир қарра идрок этишларида туртки бўлади. Зеро, партия гуруҳларининг самарали фаолияти ЎзМТДПнинг навбатдаги сайловлардаги муваффақиятига хизмат қилади.

**Инулова ЭРҒАШЕВА,**  
ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот қотиби,  
**Алишер РАҲМОН**  
«Milliy tiklanish» мухбири

## Таҳлил

## Эртанги натижалар

### бугунги саъй-ҳаракатлардан юзага келади

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларининг фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг манлиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намоёндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни" талаб этажанини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бу халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини юқори босқичга кўтаришининг мустаҳкам асоси сифатида депутатлар ишида муҳим дастуриламалга айланмоқда.**

Дарҳақиқат, партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилганга боис, улар саъй-ҳаракатида жонланиш кузатилаётди. Айникса, электорат манфаатларини ҳимоя этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинишида депутатлар фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Депутатлар ўз ваколатларидан унмлли фойдаланган ҳолда электорат ишончини қай даражада оқлаётгани, энг аввало, натижада кўринади. Бу борада халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 2014 йилнинг I чорагида амалга оширилган ишлар натижасини ўргандик.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 37 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, аҳамиятисини, уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилди, - дейди ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонани етакчи мутахассиси Нодира Абдуҳолиқова. — Жумладан, депутатларимиз томонидан қиритилган сўровлар натижасида Тошлоқ тумани Қумарик қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган туман Юқумли касалликлар шифохонасининг иситиш тизими яхшиланди. Фарғона туманининг "Чимён" маҳалласида истиқомат қилувчи О.Мирзааҳмедова оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ҳудуддаги "Чимёнсавдо" мажмуасидан жой ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон тумани "Жонобод" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Расуловга имтиёзли кредит олишда амалий кўмак берилгани, Фуқрат туманидаги бир гуруҳ кам таъминланган оилалар ва ногирон фуқаро-

ларга туман "Нуроний" жамгармаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилгани ҳамда бошқа шу каби аҳоли мурожаатлари асосида ҳал этилган масалаларда депутатларимизнинг иштироки муҳим ўрин тутмоқда, - дея таъкидлади сўбатдошимиз.

Таҳлилни давом эттирадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан доимий комиссиялар йиғилишларида 2 та тақлиф олиб чиқилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунингдек, фуқаролардан тушган кўпгина озғани ва ёзма мурожаатлар йиғилишлар кун тартибига етиб бормай, ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида партия гуруҳимиз томонидан қиритилган тақлифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинаётди. Бу ҳақда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ҳалимжон Ҳасанов қўйидаги фикрларни билдирди:

— Сессия йиғилишида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси бўйича жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлик назоратини ташкил этиш, шунингдек, фуқароларни қабул қилиш ҳамда депутатлик сўровидан фойдаланиш борасидаги имкониятларимизни янада жонлантириш, кенг жамоатчилик, хусусан, маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлиги ҳақида келишиб олдик. Бундан ташқари, депутатлар ўз фаолиятида очиклик, ошқоралик ва шаффофликни таъминлашга эришиши, доимий комиссиялар ишини яхшилаш мақсадида улар фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиши ва мамлакатимизда амалга оши-

рилаётган ислохотлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли қатламларига етказиш борасида олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, биз депутатлардан ташаббускорлик, фаоллик ҳамда масъулиятни талаб этади.

Дарҳақиқат, халқ ишончини қадрлаган ҳар бир депутат ўз зиммасидаги масъулиятни англаган ҳолда ҳаракат қилади. Бу ўринда фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, улар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, шунингдек, сессия ва доимий комиссия йиғилишларида электорат манфаатларини ўрдида фойдаланган тақлифлар киритиш каби кўпгина йўналишларда ибрат кўрсатиб келаётган халқ депутатлари Кува, Риштон, Учқўрғи туман ва Марғилон шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини намунали, деб бўлмайди. Жумладан, халқ депутатлари Сўх, Бешариқ туман ҳамда Кўкон шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессияларида ташаббус-масалалар билан чиқиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мансабдор шахсларнинг долзарб масалаларга оид ҳисоботларини тинглаш, депутатлик назоратини ўтказиш борасида сусткашликка йўл қўяётгани кўзга ташланади. Шу боис партия вилоят Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътироф этиш керакики, депутат кўпроқ одамлар орасида бўлиб, уларни қизиқтираётган масалаларни ўрганса, халқ дарди билан яшаса, аҳолининг партияга нисбатан ишончи янада ортади. Зеро, биз интилаётган кучли фуқаролик жамияти негизини ҳам аввало, инсон манфаатлари устуворлиги ўз ифодасини топган.

Бир сўз билан айтганда, партия гуруҳларининг ўз зиммасидаги халқ ишончини унутмаслиги жойлардаги турли масалаларнинг ижобий ечим топишига омил бўлмоқда. Зеро, депутатларнинг ташаббускорлиги билан амалга оширилган саъй-ҳаракатлари келгуси муваффақиятларга йўл очиб шу бўласиз.

**Умида УЗОҚОВА,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

Реклама

## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК

жамоаси



Барча қалам аҳли ва фахрийларни

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан қизгин табриклайди.



Юрт равнақи, эл фаровонлиги,  
Ватан ободлиги йўлидаги фидокорона  
ишларингизда доимо омад ёр бўлсин.



„Матбуот тарқатувчи“ ошонага, демакки,  
зиёга, таърифатга, таънабийатга кўнакки

## ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЖАМОАСИ


Мамлакатимизда фаолият юритаётган  
қаламкашларни, журналисту

матбаачиларни

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан қутлайди.

Эл-юрт манфаати  
йўлида олиб бораётган  
ижодий фаолиятингизга  
муваффақиятлар  
тилаймиз!




Реклама

## ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ХАЛҚАРО ВА ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ-ҲОИДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Барча журналист, матбаачи ва наشريёт  
ходимларини касб байрами  
билан самимий муборакбод этади.

БАЙРАМИНГИЗ  
МУБОРАК,  
БЎЛСИН!



Бугунги кунда туризм  
дунё миқёсида сердаромад  
тармоқлардан бири ҳисоб-  
ланади. Мазкур соҳанинг  
жаҳон бозоридаги улуши 30  
фоиздан кўпроқни ташкил  
этмоқда. Қолаверса, дунё  
яли ички маҳсулотининг  
10 фоизи, халқаро инвест-  
цияларнинг 11 фоизи  
туризм улушига тўғри  
келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан юр-  
тимизда туризм соҳаси ривожланиб,  
бу борадаги имкониятлар кўлами то-  
бора кенгайиб бормоқда. Республи-  
камиз 1993-йилдан буён БМТнинг  
Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг  
азоси сифатида фаолият кўрсатмоқ-  
да. 2011-йили Жанубий Кореяда ўтқа-  
зилган Бутунжаҳон сайёҳлик ташки-  
лотининг Бош Ассамблеясида Ўзбе-  
кистоннинг иккинчи марта Ижроия  
Кенгаши аъзоси этиб сайланиши ҳам  
фикримизнинг яққол далилидир. Мам-  
лакатимизда туризм салоҳиятининг  
ривожланишида мустақам ҳуқуқий  
база яратилганлиги муҳим омил  
бўлмоқда. Хусусан, “Туризм тўғриси-  
да” қонун ҳамда бошқа бир қатор  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул  
қилинди. Бундан ташқари, “Ўзбекту-  
ризм” миллий компанияси негизда  
хорижлик сайёҳларга кўнгилдагидек

### Фаолият

## Туризм салоҳияти

ошиб бормоқда

хизмат кўрсатиш мақсадида 300 дан  
зиёд туристик компанияларнинг фао-  
лияти йўлга қўйилган.

Бугунги туризм саноати юқори су-  
ратда ривожланаётган бир пайтда  
Ўзбекистон ҳам сайёҳларни жалб эту-  
вчи тарихий ва маданий ёдгорликла-  
ри, дунёга машҳур қадамжолари ва  
кўркем шаҳарлари билан дунё сайёҳ-  
лик рейтингда муносиб ўрин эгал-  
лаб бормоқда. Зеро, Саудия Араби-  
стони, Хиндистон, Миср, Туркия каби  
Осиё мамлакатлари қатори Ўзбеки-  
стон ҳам ўзининг кўплаб зиёратгоҳ мас-  
канларига эга. Айни пайтда Тошкент,  
Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва  
Хива каби тарихий шаҳарларимизда  
барча қулайликларга эга, замонавий-  
лик ва миллийлик услубида барпо  
этилган меҳмонхоналар, улардаги хиз-  
мат кўрсатиш сифати, сайёҳлар учун  
яратилган имконият ва шарт-шароит-  
лар боис дунёнинг нуфузли мамла-  
катлари билан рақобатлаша олади.

Айни пайтда юртимизга дунёнинг  
юздан ортиқ мамлакатларидан йилига  
2 миллионга яқин сайёҳ ташиф буюр-  
моқда. Шунингдек, Фарб мамлакатла-

ридаги соҳа экспертлари фикрича, Ва-  
танимизга келувчи сайёҳлар сони яқин  
орада 15 фоизга ошиши kutilмоқда.

Этироф этиш жоизки, Ўзбеки-  
стоннинг туризм маркази сифатида  
машҳур бўлишининг яна бир омил  
унинг Буюк Ипак йўли марказида жой-  
лашганидир. Шу боис, Президенти-  
мизнинг ташаббуси билан 1995 йил-  
дан буён “Буюк Ипак йўлида туризм”  
Тошкент халқаро туризм ярмаркаси  
ўтказиб келинмоқда. Мазкур кўргаз-  
ма жаҳон экспертлари томонидан  
ижобий баҳоланиб, Жаҳон сайёҳлик  
ташкilotининг доимий анжуманлар  
рўйхатидан ўрин эгаллаган.

Хулоса қилиб айтганда, туризмни  
ривожлантиришга қаратилган исло-  
хотлар давлатимизнинг халқаро ми-  
қёсдаги нуфузини оширишга хизмат  
қилиб, юртимиз ижтимоий-иқтисодий  
тараққиётида муҳим аҳамият касб  
этмоқда.

Жаҳонгир РАЖАБОВ,  
Давлат божхона кўмитаси  
Олий ҳарбий божхона инсти-  
тути тингловчиси

### Огоҳлик

## Эҳтиёт — ярим ҳаёт

Мамлакатимизда ёнғинларни камайтиришга  
доир изчил ва амалий чора-тадбирлар кўри-  
лмоқда. Ёнғин содир бўлганда уни ўз вақтида ўчириш,  
одамларни қутқариш, моддий-товар бойликлар,  
фуқаролар ҳамда ташкилотлар мулкни сақлаб  
қолиш борасидаги ишлар самарали йўлга қўйилган.

Ёнғин жазирама иссиғида кўчалар, мавзе ва майдон-  
ларда йиғилиб қолган хазонларни ёқиб юбориш, ёш  
болаларни уй ва кўчаларда назоратсиз қолдириш, улар-  
нинг гугуртдан фойдаланиши қатъиян тақиқланади. Кўп  
қаватли уйлар томини таъмирлашда мум эритилиши ҳам  
нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Кўчаларда йи-  
гилган хазонлар устига сигарета қолдиқларини ташлаш,

бино ва уй-жойлар атрофига хазон ва барглари йиғиб  
қўйиш, уларни ёқиш, махсус ажратилмаган жойлар ва  
ётоқ жойларида сигарет чекиш каби кундалик ҳаётимиз-  
да учрайдиган ҳолатлар ёнғин келиб чиқишида асосий  
сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Ҳаммамиз хонадонимизда ва иш жойимизда ёнғин  
хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилсак, ўзимиз ва  
фарзандларимизни, мол-мулкимизни ўт балосидан сақ-  
лаган бўламиз. Ёнғин содир бўлганда телефон орқали  
“101” рақамига хабар бериб, манзилни тўлиқ айтишни  
унутманг. Бундай ҳолатлар юзага келишининг олдини  
олиш, аҳолининг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш, ту-  
рар-жойлар ва халқ ҳўжалиги иншоотларида ёнғин хавф-  
сизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар янада  
кучайтирилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан  
аҳоли яшаш жойларида, ижтимоий объектларда ёнғинга  
қарши тайёргарлик ҳолати бўйича доимий текширувлар  
ўтказилмоқда.

Элшод ФАДХУДИНОВ,  
Яқкасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори,  
сержант

Реклама

**“MAGICAR TRANS” МЧЖ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистонлик барча қалам аҳлини,  
матбаачилар ва фахрийларни Матбуот ва  
оммавий ахборот воситалари ходимлари куни  
билан қизгин табриклайди.

**БАЙРАМ МУБОРАК!**

Жорий йилги ёз мавсумида Жиззах вилоят ҳокимияти ва қасаба уюшма ташкилотлари Жиззах вилояти бирлашмаси ҳамкорлигида болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олишни ташкил этиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда шаҳар ташқарисидида 14 та, мактаблар қошида 54 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда жами 14550 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаришмоқда.

Зомин туманида, ям-яшил арчазорлар билан қопланган Моргузар тизма тоғлари оралигида “Алоқачи” ёзги дам олиш маскани жойлашган. “Жиззах-телеком” шўъба корхонасига қарашли бу гўша ҳар йили ёзги таътилда болажонларнинг шўх ўйин-кулгиларига тўлиб кетади.

Эрта тонгдан сайрга отланган ўқувчилар баҳри-дили очилиб, кўнгиллари яйраб, ён-атрофи йирик харсангтош, қалин шох-шабба ва бутазорлардан иборат тепалик олдида тўхташди. Ушбу тепалик остидаги катта бўшлиқда охири кўринмайдиган ички йўллар, шунингдек, неча асрлар илгари вулкон, табиий офатлар ва оҳақтошларнинг емирилиш натижасида вуждга келган қадимий ер ости обидаси — “Пешоғар” жойлашган. Педагог — тарбиячи болаларга бу ернинг тарихи, табиий

хусусиятлари, жониворлари, қушлари ҳақида ҳикоя қилар экан, болалар устоз сўзларини ён дафтарларига ёзиб ола бошлади.

— “Алоқачи”да болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар етарли, - дейди оромгоҳ раҳбари, тажрибали педагог Шўхрат Ҳакимов. — Бу сўлим гўшада 125 нафар ўғил-қизларимиз мазмунли ҳордиқ чиқаришлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун белгиланган режа асосида иш олиб бориляпти.

Умуман вилоятда ўқувчиларнинг ёз мавсумида кўнгилли дам олишлари учун пухта тайёргарлик кўрилган. Мутасадди ташкилотлар ўз тасарруфидаги оромгоҳларни ётоқхона мебеллари, ошхона ва спорт жиҳозлари, дори-дармон, санитария ва гигиена воситалари билан тўла-тўқис таъминлашган. Кўчма кутубхоналар болаларга аталган бадий асар ва методик қўлланмаларга бой. Айниқса, вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли Ҳайдар Эргашев раҳбарлигидаги Ёрулла Норбеков номли, вилоят газлаштириш бошқармаси идораси тасарруфидаги тажрибали педагог Шўхрат Тилабоев раҳбарлигидаги “Зангори олов” ҳамда Фаллаорол туман Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган, олий тоифали педагог Шавкат Тожибоев раҳбарлигидаги “Қамолот” оромгоҳлари фаолияти эътиборга сазовордир.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

Реклама

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ****жамоаси**

*Журналистларни,  
нашриёт ва матбаа соҳаси  
жонкуярларини*

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари куни**

*билан самимий қутлайди.*

*Эзгу ниятлар билан амалга ошираётган  
ишларингизда доим омад ёр бўлсин!*

2014 йил —  
“СОҒЛОМ БОЛА  
ЙИЛИ”



### Бизнинг шарҳ

## ЖАЗИРАМА КУНЛАР



**Ернинг иқлимий мувозанати салбий томонга ўзгараётгани ҳақида олимларимиз дошмий равишда бонг уриб келишмоқда. Ёз жазирамаси борасидаги бундан 140 йил аввалги рекорд яна қайтарилиши мумкинлиги борасидаги башоратлар ўз тасдиғини топаёттир. Бу, албатта, қурғоқчилик, ёнги-лар, довуларни келтириб чиқариши мумкин.**

Германиядаги Гиссен университети мутахассислари Эл-Ниньо иссиқлик оқими қараб ўз қарашларини баён қиларкан, 4 йиллик вақт оралиғида йилда тўрт мартаба маълум бир жойларда қутилмаган ҳолатда сувнинг иссиқ табиий жараёнларни юзага келтиради, деган фикрни билдиришган. 2013 йилнинг сентябрида Тинч океанининг шарқий қисмидаги тропик ҳудудларда сувнинг устки қатлами кескин илиётгани кузатилаёттир. Зарарли газлар ҳажмининг кўпайиши оқибатида ўртача йиллик ҳарорат ортиб, абадий музликларнинг эриши тезлашмоқда.

Маълумотларга қараганда, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, очарчилик, иқлим иссиқи ва бошқа салбий ҳолатлар оқибатида йилга беш миллиондан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмаяпти. Агар бугунги вазият шундай давом этадиган бўлса, 2030 йилга бориб қурбонлар сони йилга 6 миллион нафарга етиши мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, иқлимий ва углеводород инқирози кейинги 10 йилликнинг охирига бориб 100 миллион нафаргача инсонни ўз домига тортиш эҳтимоли бор.

Глобал иқлим ўзгариши жаҳон иқтисодига ҳам ўз таъсирини ўтказиши айтилмоқда. Масалан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми йилга 1,6 фоиздан пасайиб, 1,2 триллион доллар миқдо-

рида зарар етказар экан. 2030 йилда кўрилган зиён икки баробарга ортиши тахмин қилинмоқда.

2030 йилга келиб абадий музликларнинг эриши Ер ҳароратининг кўтарилишига олиб келади. Массачусетс технология институтининг бир гуруҳ олимларининг аниқлашича, экватор ҳудудида ёнгиғарчиликнинг 10 фоизга ўсиши Ер ҳароратининг бир даражага ортишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда дунё микёсидаги жазирама қутилганидан беш баробар кўп кузатиляпти. Табиат инсоннинг кечириб бўлмаган ҳатоларидан ўч олаётган кўринади. 2003 йилги Европа "жазирама тўлкини"ни ҳали кўпчилик унутмаган бўлса керак. Ушанда кўҳна китъада ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши оқибатида турли касалликлардан қарийб 70 минг киши ҳаётдан кўз юмган эди.

БМТ томонидан тайёрланган ҳисоботда таъкидланишича, 2016-2035-йиллар оралиғида Ердаги ҳарорат 0,7 даражага, 2081 йилга келиб 2 даражагача иссиқи оқибатида табиий мувозанат издан чиқиши мумкин. Баҳор ва куздан асар ҳам қолмай, бу мавсумлар тарихга айланиши ҳақида айтилмоқда. Океанга нисбатан қуруқликда ҳарорат тезроқ кўтарилади. Айниқса, Арктика музликларининг тез сўратда эриши 2081-2100 йилларда дунё океанлари сатҳининг 1986-2010 йилларга нисбатан 0,58 сантиметрдан 0,98 сантиметргача кўтарилишига олиб келаркан. Денгиз ва океан соҳилларида яшовчи миллионлаб одамлар сув тошқини қурбонига айланиши ёки бошқа ҳудудларга кўчишга мажбур бўлиши мумкин.

Жаҳон метеорология ташкилоти экспертлари 1922 йилнинг 13 сентябрида Ливиянинг Дашту-Лут саҳросидаги Ал-Азизия шаҳрида кузатилган Цельсий шкаласи бўйича энг юқори — 58 даража ҳароратни ҳақиқатдан йироқ эканини тасдиқлади. Ал-Азизия шаҳри денгиз сатҳидан 11 метр баландликда жойлашган.

Етарли тажрибага эга бўлмаган мутахассис кузатув ишларида хатоликка йўл қўйгани аниқланганидан сўнг, 92 йил олдин бу ҳудудда ҳарорат 56 даража атрофида бўлганига ойдинлик киритилди. Эндликда, энг юқори ҳарорат борасидаги рекорд АҚШнинг Калифорния штатида "Улим водийси" деб юритиладиган Гринлэнд Ренгга тегишли бўлиб, 1913 йилнинг 10 июлида 56,7 даражали жазирама кузатилган ва у "Гиннес рекордлар китоби"га киритилган.

Шуни таъкидлаш керакки, самолётлар 52 даражадан юқори ҳароратда парвоз қила олмайди. Европа мамлакатлари ҳам сўнгги икки аср ичида биринчи бор табиат инжиқликлари билан олишишларига тўғри келаёттир. Францияда ҳарорат 48 даражагача кўтарилиб кетгани кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Немис матбуоти, ҳатто, пойтахт Берлин ҳам аср ўрталарига келиб чўлу-биёбон қамалида қўлиб кетишидан хавотирлик билдирмоқда. Бирлашган Араб Амирликларида ёзги мавсумда болаларни машиналар қўйилган жойда автомобиль ичида қолдирмаслик кун тартибидидаги долзарб муаммага айланди. Кўёш тафти остида турган машина ичидаги ҳарорат 80 даражадан кам бўлмаслиги амалда исботланган. Иссиқлик даражаси машина ичида печенье пишириш учун етарлидир. Шу боис видеореоликлардан автоматик олиб келаркан. Денгиз ва океаннинг бир неча дақиқа ичида ҳаётдан кўз юмиши эслатиб турилади.

Шунингдек, жорий йилда Украина жанубидаги дарёларда сув ҳарорати 26-даражагача олиши оқибатида кўплаб ноёб балиқлар нобуд бўлган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда, дельфинлар Қора денгиз соҳилларига келиб ўзини урмоқда. Маҳаллий аҳоли бу мавжудотларни қайқларга солиб денгиз ўртасига олиб бориб ташласа-да, улар яна қирғоққа қайтмоқда. Олимларнинг фик-

рича, жазирамада дельфинларнинг асаб тизими ишдан чиқиб, ҳолсизланиб қолаёттир. Бундан ташқари, денгиз ўсимлиги — кладофораларнинг тез ривожланиб ўсиши балиқларда кислород танқислигини келтириб чиқараёттир.

Шу йилнинг апрель ойида ХХРнинг 34 та шаҳрида об-ҳаво 35 даражагача қизиб кетди. 2013 йилда кузатилган қурғоқчилик оқибатида 46 миллиондан ортиқ аҳоли жиддий зарар кўрган. Етказилган иқтисодий зиён 4,2 миллиард долларни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги 2012 йилнинг июлида Уч дара гидрорелектростанциясининг табиий мувозанатга салбий таъсири катта бўлаётганини таъкидламоқда. Гидролог олим Ван Вейло ГЭС фойдасидан кўра, унинг зарари катта бўлишини олдиндан башорат қилганди. Лойиҳа татбиқ этилганидан буён Чунцин шаҳрида ҳарорат кўтарилди бошлади. Очиғи, Уч дара тўғони совутгич-кондиционер ролини ўтай олмаёттир. Айниқса, ёз чилласи пайтида Чунцин қизиб ётган баҳайбат печни эслатади. Ёнгиғарчилик ҳам меъёрдан тўрт баробар кам бўляпти.

Тинч Океани соҳилида яшовчи японларга ҳам осон бўлаётгани йўқ. Яқинда кунчиқар юрда икки киши офтоб уришидан вафот этган, юзга яқин одам юрак хуружи туфайли шифохонага ётқизилди. Давлат хизматчилари ўзларига қулайлик яратиш ва электр энергияни тежаш мақсадида ишга ҳар доимгидек расмий кийимда эмас, балки жинси ва футболкада бориши маъқул кўрмоқда. 2022 йили Қатарда навбатдаги футбол бўйича 22-жаҳон чемпионатини ўтказишга қарор қилинганидан сўнг бу борада кўплаб танқидий фикрлар билдирилмоқда. Мундиал 50 даражали жазирамада ўтишининг ўзи ҳам инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда Бразилияда давом этаётган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўртача 25-28 градус даражада ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, футбол ўйинлари одатда 25 даражали ҳароратда ўтказилади. ФИФА жаҳон чемпионатини 2022 йилнинг қишида ўтказишни мўлжалляпти. Бироқ бу ҳолат ҳам айрим давлатларнинг миллий чемпионатига таъсир кўрсатиши турган гап.

Азимжон ПҮЛАТОВ

### Рангин дунё

**ЮНЕСКО томонидан 2001 йилдан бери инсониятнинг номоддий мероси ва озғани ижоди дурдоналари рўйхати эълон қилиб келинади. Бундан кўзланган асосий мақсад номоддий маданий меросга эътиборни қаратиш ва уни муҳофаза қилиш ҳамда келажак авлодга бекаму кўст етказишдан иборат. 2001 йилда ЮНЕСКО давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида мазкур масалага бағишланган ижтимоий сўров ўтказди ва 2003 йилда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга бағишланган Конвенция қабул қилинди.**

Шу кунга қадар 88 мамлакатнинг аждодлардан авлодларга асрлар оша ўтиб келаётган 300 та дурдонаси — урф-одат, анъана, байрам, таом, халқ озғани ижоди, қўшиқ, рақслари инсониятнинг номоддий мероси рўйхатига киритилган. Жумладан, ўзбекларнинг Катта Ашуласи (2009), Наврўз (2009), "Шашмақом" (2003, 2008), Бойсун маданияти (2001, 2008) бу рўйхатга киритилганини эслатиб ўтиш керак.

Европа ва Осиё маданиятлари чорраҳасидаги Грузиянинг ноёб полифоник (кўп маъноли) қўшиқлари ҳам 2001 йилда ЮНЕСКО Номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Тарихчиларнинг сўзларига қараганда, жаҳоннинг бирор бир нуқтасида грузинларнинг хор қўшиқларига ўхшаш санъат сақланиб қолмаган. Грузин полифоник қўшиқлари мусиқа кашф

қилинган даврдан бери ижро этиб келинади.

Грузин халқ мусиқаси Фарбий Европа маданиятидан аввал пайдо бўлгани таъкидланар экан, 1500 йиллик тарихга эгаллиги айтиб келинади. Грузияда, асосан, эркаклар кўйлайди. Қўшиқлар уч овозда ижро этилади. Грузинлар: "Бу қўшиқлар тана ва руҳни ўзаро бир-бири билан боғлайди", дейишади. Грузияда қўшиқларнинг икки — шарқий Грузия ва фарбий Грузия тури мавжуд. Грузида мусиқа ва халқ қўшиқлари черков мусиқаси сингари асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бу қўшиқлар Грузия ижтимоий ҳаётида — байрам ва тантаналарда муносиб ўрин эгаллаб келади. Ўзида гўзаллики, кудратни акс эттирадиган грузин хор қўшиқлари ҳақиқий санъат асари экани тан олинган.

Тахлилчилар Грузия поли-

## Миллат дурдонаси



фоник мусиқа марказларидан бири бўлганини айтишади. Грузин халқи қадимдан қўшиқчилик санъатида ўзини намоён эта олган. Эраמידан аввалги VIII-IV асрларга оид меҳнат, ҳарбий ва хор қўшиқлари ҳақида ёзилган тарихий

ҳужжатлар сақланиб қолган. Эраמידан аввалги тўртинчи асрда яшаб ўтган тарихчи Ксенофонт ўз асарларида замонавий Грузиянинг жанубий-ғарбида истиқомат қилувчи халқлар ҳақида ёзаркан: "Улар ўз душманла-

рига қарши жангга қўшиқ кўйлаб кирадилар", деб маълумот беради. Географ Страбон (эраמידан аввалги I аср) одамлар байрамларда хор қўшиқларини кўйлаши ҳақида ёзиб қолдирган. Бу қўшиқларни ижро этувчи — мествирелар бир вақтнинг ўзида ҳам хонанда, ҳам бастакор, ҳам шоир бўлишган.

1976 йили АҚШнинг NASA фазовий агентлиги қоинотта "Вояджер" зондини юборди. Аппаратда сайёраимизда истиқомат қилувчи халқларнинг энг сара мусиқалари ёзилган олтин пластинка ҳам бор эди. Ушанда бошқа куй ва қўшиқлар орасида грузинларнинг "Чакруло" қўшиғи ҳам фазога жўнатилади.

Кимда ким ўзи учун грузин полифоник қўшиқлари эшиқларини очаркан, бу қўшиқлардан ҳузурланиб, ором олади. Айнан полифоник мусиқа грузинлар табиатини акс эттирган. Бу санъатнинг шу кунга қадар сақланиб, етиб келишининг сабабларидан бири — грузинларнинг ўз тарихларига содиқлигидир. Эндликда грузин қўшиқлари нафақат бир миллатнинг, балки бутун инсониятнинг дурдонаси ва қадриятига айланган.

Шарофиддин ТҮЛАГАНОВ

### Байрутда портлаш

**Ливан пойтахти Байрут шаҳрида кучли портлаш рўй берган.**

Миналаштирилган автомобиль Ливан армияси жойлашган ҳудуд яқинида портлаган, унинг ёнидаги кафеда ҳам кўплаб одамлар футбол мусобақасини томоша қилаётган эди. Хабарларга қараганда, қарийб 20 нафар киши турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор. Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта Ливан шарқидида Бекаа водийсида жойлашган назорат пунктида ҳам портлаш содир бўлган. Ушанда 2 нафар маҳаллий аҳоли ҳалок бўлиб, қарийб 20 нафар одам оғир аҳволда шифохоналарга ётқизилган.



### Жиноий гуруҳ фош этилди

**Грецияда Европадаги энг катта наркотик модда кўлга олинган.**

Хабарларга кўра, маҳаллий полиция ходимлари томонидан кўлга олинган героин моддаси 2 тоннадан иборат бўлган. Кузатувчиларнинг фикрича, "аср вабоси" Атика шаҳрига Того давлати байроғи остида ҳаракатланаётган танкер томонидан келтирилган. Мазкур ҳолат юзасидан қарийб 20 нафар шахс кўлга олинган. Расмийларнинг фикрича, ҳуқуқ-тартибот органлари жиноий гуруҳни қарийб 6 ой давомида кузатишган. Бу борада уларга Европа ва АҚШдаги гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича агентликлари ёрдам беришган. Хабарларга кўра, 2 тонналик героиннинг қиймати 60 миллион евро миқдоридан баҳоланган. БМТ томонидан тарқатилган маълумотга кўра, ҳозир кураи заманда 200 миллиондан ортиқ киши гиёҳванд моддага ружу қўйган. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда наркотик бизнес савдосидан тушадиган даромад йилга инсондан 400 миллиард долларни ташкил этмоқда.



### Икки тўқнашув

**Германия ғарбида икки самолёт тўқнашиб кетган.**

Мамлакатнинг Ольсберг осмонида қирувчи самолёт ва шаҳсий энгил моторли самолёт ўртасида тўқнашув юз берган. Хабарларга кўра, ҳарбий самолёт навбатдаги ўқув машқидан қайтаётган бўлган. Тўқнашувдан кейин ҳам қирувчи самолёт парвозини давом эттирган ва Кельндаги базага қўнишга муваффақ бўлган. Йўловчи ташувчи самолёт эса ерга қулаган, унинг бортидаги барча йўловчилар ҳалок бўлгани айтилмоқда.



### Инглиз олимлари кашфиёти

**Англияда инфарктнинг олдини оловчи вакцина яратилган.**

The Daily Telegraph газетасининг хабар беришича, Англиянинг Гарвард институти олимлари инфарктнинг олдини оловчи вакцинани кашф қилишган. Кашфиёт жигардаги РССК9 генига ўз таъсирини кўрсатиши асосида амалга оширилди. Сабаби, мазкур ген фаолиятининг бузилиши юрак-қон томирлар тизимида холестериннинг ошшишига, томирлар ички деворида кўп миқдорда холестериннинг пайдо бўлиши эса инфарктга олиб келади. Ушбу вакцина жигардаги РССК9 гени мутациясининг ўзига хос шаклини ўрганиш асосида яратилган. Мутантланган ген инсон қонидаги холестериннинг кам миқдорда бўлишини таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрича, инфарктнинг олдини оловчи восита 2025 йилларга бориб оммавий фойдаланиш учун тайёр бўлади.



### Зиддиятлар майдони

**БМТ тарқатган маълумотларга кўра, бугун Ироқ, Афғонистон, Яқин Шарқ минтақаси, жанубий-шарқий Осиё, Африка давлатларида вояга етмаган болалар қийноқларга солиниб, уруш майдонларига тайёрланмоқда.**

Сўнгги 10 йил мобайнида қуролли зиддиятлар ва фуқаролар урушлари оқибатида қарийб 2 миллион бола қурбон бўлиб, 6 миллиондан ортиғи жиддий жароҳатланган ёки ногирон бўлган. Урушлар туфайли ота-онасидан маҳрум этилган болалар оғир руҳий ҳолатни бошдан кечириб, яшаш учун курашишга мажбур бўлишмоқда. БМТ томонидан тайёрланган «Болалар ва қуролли зиддиятлар» маърузасида тўқнашувлар давомида болалар ҳуқуқлари топалаётган ўндан зиёд мамлакатлар тилга олинган. Дунёдаги 50 та «қайноқ нуқта»даги 43 миллион бола мактабга бормади. Бунга мавжуд шароит билан бирга мактабга ҳужумлар сонининг ортиб кетаётгани сабаб бўлмоқда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# “АСАКА” банк (ОАЖ) жамоаси

**Мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этади ва қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

### миллий валютада:

#### «ТАЪТИЛ 2014»

Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

#### «ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

#### «СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

### хорижий валютада:

#### «ШОДИЁНА» (АҚШ долларарида)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

#### «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни таклиф этади.**

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкөн филиали	373	552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

## «Асака» банк – сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

## Гепатит А

Сариқ касал ёхуд Гепатит А — болалар ўртасида кўп учрайдиган инфекция хасталик бўлиб, кўпинча 5-14 ёшдаги болалар ўртасида кенг тарқалган. Гепатит А ўткир респиратор инфекция ва ўткир юқумли ичак инфекциясидан кейинги 3-ўринда туради.

Касалликни Гепатит А вируси кўзгайди. Бундан ташқари, вирус сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, ифлос қўллар, турли буюмлар орқали ҳам юқади. Касалликнинг яширин даври 35 кун. Бу даврда хасталикнинг клиник белгилари намоён бўлмайди. Бироқ, қонда унинг мавжудлигини аниқлаш мумкин. Аксарият болаларда хасталик тана ҳароратининг 38-39 даражагача кўтарилиши ва захарланиш аломатлари (дармонсизлик, ўйку бузилиши, жиззакилик, бош оғриғи, иштаха пасайиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш) билан бошланади. Жигар ўлчамлари катталашиб, беморларнинг 10,5 фоизда бурун битиши, йўтал сингари энгил ҳолатлар кўзга ташланади. Касалликнинг энгил формасида пешоб ва ахлат ранги ўзгара бошлайди. Сарғайма 1-2 кун давомда зўраяди. Жадаллиги бўйича 7-14 кун мобайнида сақланиб туради. Аста-секин жигар ўлчамлари кичрайиб боради ва бола ўзини тамомла соғлом ҳис қилади. Реконвалесценция, соғликнинг бутунлай тикланиш даври 6 ой. Бу орада касалликнинг барча белгилари йўқолади. Гепатит А касаллигида ётоқ ва ярим ётоқ режимга амал қилиш, шифобахш неъматлар, маъданли сув, витамин, сафро ҳайдовчи препаратлар истеъмол қилиш буюрилади. Касалликнинг энгил формасида сарғайма даврининг илк кундан ярим ётоқ режимини белгилаш мумкин. Оғир ва ўртача формаларида эса бутун захарланиш даври мобайнида ётоқ режимга амал қилиш тавсия этилади. Режимнинг қандай бўлиши беморнинг умумий аҳоли ва иштаханинг яшиланиши, сариқликнинг камайиши ва ҳоказо омилларга боғлиқ.



### БИЛАСИЗМИ?

Аёллар ўртасида расман бокс жанглари илк бор 1904 йилги Олимпия ўйинларида таништирув тарзида уюштирилган. Лекин XX асрга келиб, аксарият давлатлар томонидан бундай жанглار тақиқланди. Фақат 1988 йилдагина Швеция ҳаваскор боксчилар ассоциацияси аёллар боксига рўхсат берди.

Роки Марчиано бирор марта мағлубиятга учрамаган ягона жаҳон чемпиони. Бундан ташқари, у 49 жангдан 43 тасида рақибини нокаутга учратган.

### ТУРФА ОЛАМ

## Энг чуқур ҳовуз

**ЧУҚУРЛИГИ БЎЙИЧА ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛГАН “У-40” ҲОВУЗИ ПАДУЯ ПРОВИНЦИЯСИДАГИ (ИТАЛИЯ) МОНТЕРОТТО-ТЕРМЕ ОТЕЛИ ХУДУДИДА БАРПО ЭТИЛГАН.**

Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, “У-40” қисқартмасидаги “У” ҳарфи грекча “υρο” (“тублик”) деган маънони берувчи сўздан олинган. 40 эса ҳовузнинг чуқурлигини англатади. Ҳовуз барча зарур жиҳозларга эга бўлиб, сузиш ишқибозларида унинг чуқур тубига шўнғиш имкони ҳам мавжуд. Қолаверса, шу ернинг ўзида ташкил этилган дайвинг мактабида маҳоратли спортчилар сузиш сабоқларини ўтказишлари кўзда тутилган. “У-40” ҳовузининг энг чуқур қисми цилиндрсимон бўлиб, кучли босимга дош берувчи махсус плитчалар билан қопланган. Бундан ташқари, ҳовуз тунги ёритиш мосламаларига ҳам эга. Эслатиб ўтамиз, “У-40” гача Бельгиядаги “Nemo 33” дунёдаги энг чуқур ҳовузнинг ягонаси эди.

## Муסיқий ёрдамчи

**ИНГЛИЗ ОЛИМЛАРИ ГИТАРАДА ХУДДИ ПРОФЕССИОНАЛ МУСИҚАЧИЛАР КАБИ КҮЙ ЧАЛИШ ИМКОНINI БЕРУВЧИ МОСЛАМАНИ КАШФ ҚИЛИШДИ.**



Robotar ҳақиқий маънода муסיқий ёрдамчи бўлиб, унинг ўзи керакли аккордларни босиб куй чала олади. Бунинг учун мослама муסיқа асбобида мустақамланиши, чолғучи ритмга ҳамоҳанг равишда сим торларни чертиб туриши лозим. Бундай электрон ёрдамчи эндигина гитара чалишни ўрганаётганлар учун айни муддаодир. Robotar секин-асталик билан чолғу асбобини қандай чалиш кераклигини ўргатиб боради. Мутахассисларнинг гапига қараганда, Robotar иштирокидаги бир неча соатлик дарсдан сўнг, ҳар қандай инсон мустақил равишда гитара чалишни ўрганиб олиши аниқ экан. Қизиғи, янги мослама смартфон ва планшетларга ўрнатилган махсус дастур асосида ҳам ишлайди. Айни чоғда мослама ишлов жараёнида.

**3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Газетанинг навбатдаги сони 9 июль, чоршанба кўни чиқади.